

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2025 йил июль ойининг 03 куни жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья И.А.Дониёров, судья ёрдамчиси С.Омоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Каттақўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси С.Тухташов, судланувчи Ҳ.Н.Хикматова ва унинг ҳимоячиси “Исмоилов Умид Ишонч” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Ахмедов, жабрланувчи А.Э.Хақбердиевларнинг иштирокида, Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизига нисбатан №1-1404-2501/92-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизи (Xikmatova Hidoyat Nagmatillo qizi), 1993 йил 02 сентябрь куни Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, “Каттаминг” маҳалла фуқаролар йиғини, “Каттаминг” қишлоғида яшайди, иш бўйича унга нисбатан 2025 йил 09 апрель куни “уй қamoғи” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 09.06.2025 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 126¹-моддаси 7-қисмининг “ж” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизи, ўзининг қонуний никоҳдан ўтган турмуш ўртоғи Хақбердиев Абдуазиз Эшмурод ўғли билан бир рўзғор асосида биргаликда яшаб келиши давомида, у билан доимий равишда ўзаро оилавий келишмовчиликлар сабабли жанжаллашиб келган, 2025 йил 11 январь куни соат 12:00 лар чамасида яшаш уйи бўлган Каттақўрғон тумани, “Чароғон” маҳалла фуқаролар йиғини, Янгиравот кўчаси, 54-уйга нарсаларини олиш мақсадида борган вақтида А.Э.Хақбердиев билан ўрталарида ўзаро жанжал келиб чиқиб, жанжал вақтида турмуш ўртоғи А.Э.Хақбердиевни тергов жараёнида аниқлашни



имкони бўлмаган тош билан чап кўз соҳасига қасддан уриб, умумий меҳнат қобилиятини 35 фоиз турғун йўқолишига сабабчи бўлиб, унга қасддан “оғир тан жароҳати” етказиб, оилавий зўравонлик қилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизи ўзининг кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у Ҳақбердиев Абдуазиз Эшмурод ўғли билан 2009 йил 16 август куни қонуний никоҳдан ўтганлигини, ҳозирда ўрталарида 3 нафар фарзандлари борлигини, у ва турмуш ўртоғи А.Э.Ҳақбердиев иккаласи ҳозирги кунга қадар ўзаро жанжаллашиб, келишмай юришганлигини, бунга сабаб турмуш ўртоғи А.Э.Ҳақбердиев уни спиртли ичимлик ичиб келиб уришлигини, ҳеч қаерда ишламаслигини, оилани ташвишлари фақат ўзига қолиб кетганлигини, шу сабабли иккаласи жанжаллашиб қолишганлигини, 2022 йил иккаласи ишлагани Тошкент шаҳрига кетишганлигини, фарзандларини қайнонасига қолдиришганлигини, у ерга боришганидан сўнг орадан 3 ой вақт ўтиб турмуш ўртоғи яна спиртли ичимлик истеъмол қилишни бошлаганлигини, турмуш ўртоғи ҳар 3 ойда шунга қарши “укол” олиб туришлигини, шундан кейин турмуш ўртоғи спиртли ичимлик истеъмол қилиб у билан кўчада жанжаллашганлигини, шу кундан ҳозирги кунга қадар иккаласи бирга яшамаслигини, икки қизини 2024 йил декабрь ойида қайнонасидан қайтариб олганигини, шу кунга қадар турмуш ўртоғи билан ажрашмай келганлигини сабаби яхши бўлиб кетади, ўртада фарзандлари бор деб сабр қилиб юрганлигини, 2025 йил 11 январь куни соат 12:00 ларда у, 15 ёшли қизи Жасмина, укаси Назарбек ва синглиси Барнолар билан бирга турмуш ўртоғини яшаш уйига нарсаларини олгани борганлигини, борган вақтида уйда 1 нафар эркак ҳамда 2 нафар аёл кишини пойабзаллари турганлигига кўзи тушганлигини, у турмуш ўртоғига уйга кириб нарсаларини олиб кетишлигини айтганида, турмуш ўртоғи А.Э.Ҳақбердиев уни оғизга олиб бўлмас ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, қўлидан силтаб, ҳовлидан чиқаришга ҳаракат қилганлигини, турмуш ўртоғи маст ҳолатда бўлганлигини, шунда уни бундан жаҳли чиқиб, ердан тош бўлагини олиб, турмуш ўртоғини юзига қарата отиб, барчалари у ердан кетишганлигини, ҳозирги кунда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

Судланувчи Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизи суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари, унинг айби суд мажлисида сўралган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаси билан ҳам тўлиқ исботланади.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ҳақбердиев Абдуазиз Эшмурод ўғли ўзининг кўрсатувида, Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизи турмуш ўртоғи бўлишлигини, у билан 2009 йил 16 август куни қонуний никоҳдан ўтганлигини, уларни ҳозирда уч нафар фарзандлари борлигини, у ва турмуш ўртоғи Ҳ.Н.Хикматова иккаласи



ўртасида 2014 йилдан ҳозиргача келишмовчилик мавжудлигини, сабаби турмуш ўртоғи Ҳ.Н.Хикматова арзимаган нарсалардан жанжал чиқаришлигини. кейинчалик унга хиёнат қилишни бошлаганлигини, ҳар сафар ажрашиш қарорига келса у билан ажрашишдан бош тортиб келганлигини, 2022 йил 04 апрель куни турмуш ўртоғи Ҳ.Н.Хикматова унга айтмасдан уйдан чиқиб кетганлигини, шу билан бир ойдан сўнг 2025 йил 01 май куни уйга келганлигини, у турмуш ўртоғига нимага унга айтмасдан кетганлигини, қаерда юрганлигини сўраган вақтида қариндошларини уйда юрганлигини айтганлигини, лекин турмуш ўртоғи Тошкент шаҳрига ишлашга кетганлигини билганлигини, доимий равишда уни алдаб келганлигини, 2022 йил 03 сентябрь куни турмуш ўртоғи уйдан чиқиб кетиб унга хиёнат қилганлигини, шундан кейин ҳозирги кунга қадар у билан яшамаслигини, 3 нафар фарзандлари у билан яшаб келаётганлигини, 2024 йил декабрь ойида икки қизини турмуш ўртоғи Ҳ.Н.Хикматова олиб кетганлигини, ўғли у билан қолганлигини, 2025 йил 11 январь куни у Тошкент шаҳридан яшаш уйига келганлигини, ўғлини онасини уйдан олиб келганлигини, шу куни соат 12:00 ларда уйда дам олаётган вақтида дарвозани кимдир таққиллатганлигини, шунда ҳовлидан шовқин эшитилганлигини, у ҳовлига чиққан вақтида турмуш ўртоғи Ҳ.Н.Хикматова, укаси Назарбек ва синглиси Барнолар келишганлигини кўрганлигини, турмуш ўртоғи унга нарсаларини олиб кетиш учун келаганлигини айтганлигини, шунда у ИИБнинг “102” қисқа рақамига мурожаат қилганлигини, кейин у турмуш ўртоғига “уйимдан чиқ” деб бақириб, жahl устида турмуш ўртоғини ножўя сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, турмуш ўртоғи ҳам уни ҳақорат қилганлигини, шунда у турмуш ўртоғини ҳовлисида чиқараётган вақтида турмуш ўртоғи ердан тош олиб уни чап кўзига отганлигини, шунда у ерга йиқилиб ҳушини йўқотганлигини, ўзига келганида ерда ётганлигини, чап қоши ва чап кўзидан қон оқаётганлигини кўрганлигини, шундан сўнг, Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмасига борганлигини, шифокорлар унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишганлигини, олган жароҳати натижасида кўзларини кўриш қобилияти пасайганлигини, ҳозирги кунга қадар турмуш ўртоғи ундан кечирим сўрамаганлигини, шу сабабли унга нисбатан даъвоси борлигини, судалнувчидан унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириб беришликни ҳамда қонуний чора кўришликни билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Тўхтамишов Бахтиёр Тошмаматович ўзининг кўрсатувида, у 2024 йил апрель ойидан буён Каттақўрғон тумани, “Чароғон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси васифасида ишлаб келишлигини, у маҳалла раиси бўлганидан кейин маҳалласидаги фуқароларнинг барча хонадонларига кириб, улар билан танишиб, ўзини таништириб чиққанлигини, аммо А.Э.Ҳақбердиевнинг яшаш хонадонига борган вақтида уни яшаш уйида бирон бир фуқаро истиқомат қилиб келмаслигини, турмуш ўртоғи бўлган Ҳ.Э.Хикматова ҳам



чиқиб кетганлигини эшитганлигини, шу тариқа у фуқароларни қайд қилиш китобига кейинчалик уларни иккаласини ҳам киритганлигини, аммо улар бирга бир оила бўлиб истиқомат қилиб келмаслигини билганлигини, 2025 йил 11 январь кунги ҳолат юзасидан яъни улар ўртасидаги жанжал тўғрисида шу куннинг ўзида билганлигини, унга профилактика инспектори қўнғироқ қилиб маҳалла биносига келишини айтганлигини, у маҳалла биносига борган вақтида А.Э.Хақбердиевни чап кўз соҳаси қонаб турганлигини, турмуш ўртоғи Ҳ.Н.Хикматова унга жароҳат етказганлигини шу ерда тушунтириш хати олиш давомида эшитганлигини, аммо жанжални кўрмаганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Хамраева Лола Маматисаевна ўзининг кўрсатувида, у 2025 йил март ойидан буён Каттакўрғон тумани, “Чароғон” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли васифасида ишлаб келишлигини, у шу маҳаллада яшовчи А.Э.Хақбердиевни оиласини тўлиқ танимаслигини, аммо улар ўртасидаги жанжал юзасидан олинган тасвирлар ижтимоий тармоққа чиқиб кетганидан кейин хабар топганлигини, у улар ўртасидаги жанжал юзасидан кейинчалик билишча А.Э.Хақбердиевни турмуш ўртоғи Ҳ.Н.Хикматова 2025 йил 11 январь куни яшаш уйида жанжаллашиб қолиб, Ҳ.Н.Хикматова тош билан турмуш ўртоғи А.Э.Хақбердиевни ўрганлигини эшитганлигини, ушбу ҳолат ижтимоий тармоққа чиққанидан кейин маҳалла фаоллари билан А.Э.Хақбердиевни яшаш уйига боришганлигини, аммо улардан бирортасини уйида кўришмаганлигини, жанжални кўрмаганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида қонуний вакили Ҳ.Н.Хикматованинг иштирокида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган вояга етмаган гувоҳ Абдуазизова Жасмина Абдуазиз қизи ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам отаси А.Э.Хақбердиев ва онаси Ҳ.Н.Хикматовалар доимий равишда жанжаллашиб келишлигини, 2022 йил отаси ва онаси жанжаллашиб ўзаро келишмай қолганлигини, шунда онаси Ҳ.Н.Хикматова уйдан чиқиб кетганлигини, 2024 йил декабрь ойига қадар унга, синглиси ҳамда укасига бувиси қараганлигини, 2024 йил декабрь ойидан ҳозирги қадар онаси Ҳ.Н.Хикматова билан бирга яшаб келаётганлигини, 2025 йил 11 январь куни соат 12:00 ларда онаси Ҳ.Н.Хикматова, у, тоғаси Назарбек ва холаси Барнолар билан бирга отаси А.Э.Хақбердиевни яшаш уйига онаси Ҳ.Н.Хикматовани нарсаларини олгани боришганлигини, уйга борган вақтида уйда эшик тагида 2 нафар аёл киши ва 1 нафар эркак кишини пойабзали турганлигига кўзи тушганлигини, шунда отаси А.Э.Хақбердиев уйдан чиқиб онаси Ҳ.Н.Хикматова билан жанжаллашиб кетганлигини, шунда отаси А.Э.Хақбердиев ва онаси Ҳ.Н.Хикматовалар бир-бирини ҳақорат қилганлигини, кейин отаси А.Э.Хақбердиев онаси Ҳ.Н.Хикматовани кўлидан судраб ҳовлидан чиқаришга ҳаракат қилиб силтаб ташлаганлигини, шунда онаси Ҳ.Н.Хикматовани бундан жахли чиқиб ердан тош бўлагини олиб отаси А.Э.Хақбердиевни чап кўзига қарата



отганлигини, шундан кейин барчалари у ердан кетишганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Қаҳҳорова Барно Нурназар қизи ўзининг кўрсатувида, судланувчи Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизи опаси бўлишлигини, 2025 йил 11 январь куни соат 12:00 ларда опаси Ҳ.Н.Хикматова, у, укаси Назарбек ва опаси Ҳ.Н.Хикматовани қизи Жасминалар билан бирга поччаси А.Э.Хақбердиевни яшаш уйига опаси Ҳ.Н.Хикматовани нарсаларини олгани боришганлигини, уйга борган вақтида уйда эшик тагида 2 нафар аёл киши ва 1 нафар эркак кишини пойабзали турганлигига кўзи тушганлигини, шунда поччаси А.Э.Хақбердиев уйдан чиқиб опаси Ҳ.Н.Хикматова билан жанжаллашиб кетганлигини, шунда поччаси А.Э.Хақбердиев ва опаси Ҳ.Н.Хикматовалар бир-бирини ҳақорат қилганлигини, кейин поччаси А.Э.Хақбердиев опаси Ҳ.Н.Хикматовани кўлидан судраб ҳовлидан чиқаришга ҳаракат қилиб силтаб ташлаганлигини, шунда опаси Ҳ.Н.Хикматовани бундан жажли чиқиб ердан тош бўлагини олиб, поччаси А.Э.Хақбердиевни чап кўзига қарата отганлигини, шундан кейин барчалари у ердан кетишганлигини билдириб баёнот берди.

Судланувчи Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизининг ўзига қўйилган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари унинг айби: 2025 йил 12 январь кунидаги Олмазор туман ИИО ФМБ 4-сонли ИИБ профилактика инспектори катта лейтенант Ф.А.Юсуповнинг Олмазор туман ИИО ФМБ бошлиғи номига ёзган билдиргиси (ишнинг 8-варақаси), 2025 йил 21 февраль кунидаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги РСТЭИАМ Самарқанд филиали, Каттақўрғон туман СТЭ бўлинмасининг фуқаро А.Э.Хақбердиев номига берилган №193-сонли эксперт хулосаси (ишнинг 15-17-варақалари), 2025 йил 11 январь кунидаги Каттақўрғон туман ИИБ ТБ НК навбатчиси Ш.Т.Назаровнинг Каттақўрғон туман ИИБ бошлиғи номига ёзган билдиргиси (ишнинг 20-варақаси), 2025 йил 11 март кунидаги нарсани олиш, кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (ишнинг 41-43-варақлари), 2025 йил 13 март кунидаги юзлаштириш баённомаси (ишнинг 59-61-варақалари), 2025 йил 08 апрель кунидаги нарсани олиш, кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (ишнинг 74-79-варақлари) ва жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланади.

Каттақўрғон тумани ИИБ хузуридаги ТБ катта терговчиси катта лейтенант А.Ш.Қаршиевнинг 2025 йил 09 апрель кунидаги қарорига кўра, жиноят ишини бир қисмини маъмурий тартибда кўриб чиқишлик учун алоҳида ҳужжат тарихида ажратиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Суд, судланувчи Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизининг оилавий зўравонликда, қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашёлар билан турмуш ўртоғига қасддан оғир тан жароҳатлари етказишликда ифодаланган жинойи хатти-ҳаракатлари дастлабки тергов



органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 126¹-моддаси 7-қисмининг “ж” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизининг содир этган жиноятини қасддан содир этилган оғир жиноят деб ҳисоблаб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида вояга етмаган уч нафар фарзандлари борлигини унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, иш бўйича унинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этади.

Суд, судланувчи Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизига нисбатан жазо турини ва меъёрини белгилашда,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги №1-сонли Қарорининг 37-банди талабларига кўра, “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин” деган,

Ушбу Пленуми Қарорининг 26-бандидаги, “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса қўлланилади” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, судланувчи Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизи томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини инобатга олишни, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имконияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлашни, жазо миқдорини белгилашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, бундан буён жиноят содир этмаслиги ҳақидаги баёнотини, шуниндек, жабрланувчининг даъвоси борлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида кўрсатилган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ жазо тайинлашликни, шунингдек, унга нисбатан қўлланилган “уй қамоғи” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олишликни, шунингдек унга нисбатан қўлланилган “уй қамоғи” тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилишликни ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига мувофиқ уй қамоғида ўтирган кунларини суд томонидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан чегиришликни, ЖКнинг 50-моддаси талабидан келиб чиқиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўтаттиришни белгилашликни лозим деб топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб,



жиноят иши ҳужжатларига қўшилган 1 (бир) дона “ДВД” дискни ва фотосуратларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашликни лозим деб топади.

Суд, жабрланувчи Хақбердиев Абдуазиз Эшмурод ўғлига судланувчининг жиноий қилмиши натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 453-457, 460, 463, 465-468, 471-473 ва 475-476-моддаларига асосланиб, ҳукм қилади,-

Ҳ У К М :

Судланувчи Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизи (Xikmatova Hidoyat Nagmatillo qizi), Ўзбекистон Республикаси ЖК 126¹-моддаси 7-қисмининг “ж” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Хикматова Ҳидоят Нагматилло қизига Ўзбекистон Республикаси ЖК 126¹-моддаси 7-қисмининг “ж” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддаси 1-қисмининг “а” бандига мувофиқ 2025 йил 09 апрель кунидан 2025 йил 03 июль кунига қадар қадар уй қамоғида бўлган 86 (саксон олти) кунининг ҳар бир кун озоликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб ва тайинланган жазодан чегирилиб, ўташлик учун 3 (уч) йил 9 (тўққиз) ой 4 (тўрт) кун озоликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилсин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлиги белгилансин.

Жазо муддати 2025 йил 03 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ҳ.Н.Хикматовага нисбатан қўлланилган “уй қамоғи” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, жиноят иши ҳужжатларига қўшилган 1 (бир) дона ДВД диск ва фотосуратлар жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Жабрланувчи Хақбердиев Абдуазиз Эшмурод ўғлига жиноят оқибатида етказилган моддий-маънавий зарарларни ундириш масаласида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 5-қисмига мувофиқ фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар, ишда тараф бўлмаган шахслар эса суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми



устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкум, жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья: (имзо) И.А.Дониёров

“Нусхаси аслига тўғри”
Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон
туман судининг раиси:

И.А.Дониёров

